Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН | № 49 (6939). | 13 март 1979 йил | СЕШАНБА | Баҳоси 2 тийин.

КОММУНИСТЛАРНИНГ ТАКЛИФИ БИЛАН

Харьков 1-уйсозлик комбинатининг партия конференциясида монтажчилар бригадири А. Марченко сўзга чиқиб, маданий-маиший объектлар қурилишини поток усулига ўтказишни, бу ишни битта бошқармага топшириб қўйишни маслаҳат берди. Шундай қилинса, деди у, ихтисослаштиришни чуқурлаштириш, меҳнат унумдорлигини ошириш мумкин бўлади. Бултур ноябрь ойида ана шундай поток бунёд этилди. Мана ҳозир дастлабки натижалар қўлга киритилди. Меҳнатни оқилона ташкил этиш 18 ишчини бу ердан қолоқ участкаларга ўтказишга имкон берди, техникадан фойдаланиш яхшиланди, қурилиш суръатлари жадаллашди.

Партия ташкилотлари КПСС XXV съезди қарорларини амалга ошира бориб коммунистларнинг маҳоратли, тажрибасн, фикр-мулоҳазаларидан имкони борича кўпроқ фойдаланишга интилмоқдалар. Улар омма орасида меҳнат қилмоқдалар, ҳар бир участкадаги ишнинг аҳволини яхши биладилар. Партия бюролари, партия комитетлари ўртоқларнинг овозларига нақадар кўпроқ қулоқ солсалар, кундалик ишларда бу овозни эътибор билан ҳисобга олиб борсалар, фойдаланилмаётган имкониятлар шу қадар активроқ рўёбга чиқа беради. Ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитетининг 1978 йил ноябрь Пленумида бундай деди. «Халқнинг ижодий кучларини янада тўла-тўкис сафарбар этиш, иқтисодий ўсишнинг янги-янги резервларини қидириб топиб, ишга солиш—ҳозир барча партия ташкилотлари, ҳамма партия аъзолари фаолияти негизларининг негизидир».

Коммунистларнинг амалий таклифлари, танқидий мулоҳазалари хўжаликка партия раҳбарлигини, ташкилий ва оммавий-сиёсий ишни такомиллаштиришга доимо ёрдам бермоқда. Яқинда туғаган ҳисобот-сайлов кампанняси давомида бундай истаклар айниқса кўп айтилди. Бошланғич ташкилотлардаги докладларни муҳокама қилишнинг ўзида 4 млн дан 370 мингга яқин киши сўзга чиқди.

Коммунистлар йиғилиш ва конференцияларнинг минбарига чиқиб ишлаб чиқариш самарадорлигини ва иш сифатини қандай қилиб ошириш, одамларни тарбиялашни қандай қилиб яхшилаш кераклиги тўғрисида жонкуярлик билан, ишнинг кўзини билиб ва шахсий масъулиятни сезиб гапирдилар.

Масалан Льговдаги «Кинескоп» бирлашмасида киритилган таклифларни амалга ошириш топшириққа қўшимча равишда ўн мингдаб олий сифатли йирик, рангли кинескоп ишлаб чиқариш имконини беради. Волгограддаги трактор деталлари ва нормаллари ишлаб чиқариш бирлашмасида конференциядан кейин ишлаб чиқилган муқобил йиллик планда маҳсулот ишлаб чиқаришни бир миллион сўмлик миқдорида кўпайтириш кўзда тутилди; бу эса коллективнинг шу йилнинг ўзидаёқ бир қанча кўрсаткичлар юзасидан 1980 йил маррасига чиқиб олишига имкон беради.

Бундай фактлар кўп. Ҳисобот-сайлов кампанняси ҳамма жойда қўшимча резервларни аниқлашга, ишни яхшилашнинг янги-янги йўлларини кўришга ёрдам берди. Партия бюролари ва комитетларининг энг муҳим вазифаси ҳозир бironта ҳам фойдали фикр, бironта ҳам қимматли таклиф ёки танқидий мулоҳаза осмон билан ер ўртасида муаллақ бўлиб қолишига йўл қўймасликдан иборат. Уларнинг баъзилари юзасидан шошилинч чоралар кўриш талаб қилинади, бошқалари истиқболга мўлжалланган. Ҳар қандай ҳолатда ҳам бу ишда қатъий партиявий контроллик керак, белгиланган режаларни бекаму кўст бажарилишини таъминлайдиган система керак.

Бу соҳада КПСС Иваново область комитети собитқадамлик билан ишламоқда. Коммунистларнинг ҳисобот-сайлов йиғилишларида ва конференцияларида айтган таклиф ва мулоҳазалари умумлаштирилди, проблемалар юзасидан гуруҳланди, партия комитетининг пленумида кўриб чиқилди. Область, шаҳар, район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари шу таклиф ва мулоҳазаларни рўёбга чиқаришнинг аниқ планларини тузиб, муддатлар ва масъул кишиларни кўрсатиб қўйдилар. Комитетнинг бўлимлари шу планлар қандай бажарилаётганини мунтазам равишда таҳлил этадилар. Пленумларда, партия йиғилишларида коммунистларга қилинган ишлар тўғрисида ахборот берилади. Дарвоқе, тавсияларнинг ярмисидан кўпроғи [ҳаммаси бўлиб 9 мингтадан кўпроқ тавсия бор эди] ҳозиргача бажарилиб бўлинди, шу туфайли ташаббус янада қулф урилб ривож топди.

Аммо «Правда» почтасига тушаётган хат-хабарларга қараганда, ҳисобот-сайлов кампанняси давомида айтилган таклиф ва мулоҳазаларнинг ҳаммаси ҳам ҳозирча айрим жойларда тузук натижалар бермаяпти. Айрим комитетлар тадбирларни тузиш билан чекланиб, уларни дарҳол унутиб юбордилар. Конкрет ташкилотчилик иши билан мустаҳкамланмаган планлар қоғоздагина қолиб кета беради. Чунончи, Уфа эгилувчан ғула заводининг коммунистлари ҳисобот-сайлов йиғилишида корхонада ошхона, ёшлар ётоқхонаси йўқлиги тўғрисида, маиший хоналар торлиги ҳақида куйиб-пишиб гапирган эдилар. Шаҳар ижроия комитети, қурилиш, йўл ва коммунал машинасозлиги министрлиги заводга ёрдам беришни неча марталаб ваъда қилган бўлсалар ҳам, аммо ўз сўзларининг устидан чиқмаётганлиги учун қаттиқ танқид қилинди. Ана шу ва бошқа танқидий мулоҳазалар, тармоқ ва шаҳар ижроия комитети раҳбарларига ўз вақтида маълум қилинди. Аммо орадан бир неча ой ўтиб кетишига қарамай, ҳамон амалий хулоса чиқариб олингани йўқ. Бундай фактларга принципиал партиявий баҳо берилиши лозим.

Коммунистларнинг таклиф ва мулоҳазаларини амалга оширш вақтинча кампания эмас. Партия йиғилишлари, партия комитетларининг пленумлари мунтазам равишда ўтказиб турилади. Улар коллектив ишини яхшилашдан астойдил манфаатдорлик белгиси остида ўтади. Ана шундай манфаатдорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш керак. Агар инсон ўз сўзига эътибор билан қараладиганини кўриб турса, айтилган мулоҳазалар эса ишнинг боришига таъсир ўтказса, у тағин ҳам кўпроқ активлик кўрсатадиган бўлади. Аксинча, ўртоқнинг фикри назар-писанд қилинмаса, унинг активлиги ҳам пасаяди. Танқидни бўғиш фактларига айниқса йўл қўйиб бўлмайди. Масалан, КПСС Шимолий Осетия область комитети коммунистларнинг мулоҳазаларига нопартиявий муносабатда бўлган Алагир механизациялашган ўрмон хўжалигининг раҳбари В. Уртаев билан Оржоникидзе музика асбоблари фабрикасининг директори С. Хаевни жавобгарликка тортиб тўғри иш қилди.

Мамлакат — ўнинчи беш йилликнинг ҳал қилувчи босқичида турибди. Партия ташкилотлари орттирилган тажрибадан фойдаланиб, коммунистлар билан барча меҳнаткашларнинг ташаббусини ривожлантириб, ҳар бир меҳнат коллективининг план ва социалистик мажбуриятларини бажарилишини таъминлаш лозим. Энг кенг омманинг фикрига кўпроқ эътибор берилсин. Одамлар билан кўпроқ бевосита, дилкаш суҳбат қилиб турилсин. Ишчанлик, конкретлилик, қатъият, собитқадамлик кўпроқ бўлсин. Партия масаланн шу тарзда қўймоқда. Партия комитетларининг, бошланғич партия ташкилотларининг иш услуби шундай бўлиши керак.

(«ПРАВДА» газетасининг 11 март сонидаги бош мақоласи).

Л. И. Брежневга СССР Олий Совети депутати қилиб сайланганлиги тўғрисидаги гувоҳнома топширилди

СССР Олий Советига ўтказилган сайлов совет жамиятининг бузилмас ғоявий ва ижтимоий-сиёсий бирлигини, ватанимиздаги барча миллат ва элатларнинг қардошларча дўстлиги буюк кучини, ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар ва халқ зиёлиларининг Ленин партияси теварагида жипслашганлигини намойиш қилди.

11 март куни Кремлда КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Леонид Ильич Брежневга ўнинчи чақириқ СССР Олий Советининг депутатлигига сайланганлиги тўғрисидаги гувоҳнома топширилди.

Гувоҳномани СССР Олий Совети Иттифоқ Советига сайлов ўтказган Бауман сайлов округи округ сайлов комиссиясининг раиси В. И. Семешкин топширди.

Ўртоқ Л. И. Брежнев СССР Олий Советининг депутатлигига сайланганлиги тўғрисидаги гувоҳномани қабул қилиб олар экан давлат ҳокимияти олий органининг депутатлигига сайланиш шарафи ва катта ишончига сазовор бўлганлиги учун пойтахтнинг Бауман сайлов округи сайловчиларига, барча москваликларга астойдил ва самимий миннатдорчилик билдирди.

Бундан буён ҳам улуғ Ленин ишига, Коммунистик партия идеалларига, совет халқига, коммунизм ишига садоқат билан хизмат қилаверамаи, деди Л. И. Брежнев. СССР Олий Советига ўтказилган сайлов, деб таъкидлади у,— партия билан халқ ўртасидаги бузилмас алоқанинг яққол ифодасидир. Бу — биз интилаётган мақсад — коммунизм йўлида олға томон қилаётган ҳаракатимизнинг негизидир.

Гувоҳномани топшириш вақтида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Москва шаҳар комитетининг биринчи секретари В. В. Гришин, Москва шаҳри Бауман район партия комитетининг биринчи секретари С. А. Купреев ҳозир бўлдилар.

(ТАСС).

ҲИНДИСТОН ДИЁРИДАГИ УЧРАШУВЛАР

ДЕҲЛИ, 11 март. (ТАСС махсус мухбири). СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косыгининг Ҳиндистондаги дўстона расмий визити давом этмоқда.

Ҳиндистон Бош министри М. Десаи Президент саройида Совет ҳукумати бошлиги шарафига зиёфат берди, зиёфатда Бош министр ўринбосари, мудофаа министри Ж. Рам, ташқи ишлар министри А. Б. Важпаи, кабинетнинг бошқа аъзолари, таниқли сиёсат ва жамоат арбоблари, Ҳиндистон қуролли кучларининг олий офицерлари ҳозир бўлдилар.

Зиёфат вақтида М. Десаи билан А. Н. Косыгин нутқ сўзладилар.

Ҳиндистон — Совет дўстлиги, деди Ҳиндистон Бош министри, ўзаро манфаатлари негизига ва бир-бирининг миллий ўзига хослигини ҳурмат қилиш асосига қурилган, бу дўстлик замонниинг ҳамма синовларидан ўтди. Ижтимоий тузумдаги тафовутларга қарамай, биз ишонч ва ҳамкорликка асосланган муносабатлар ўрнатишга муваффақ бўлдик.

Экономика соҳасидаги ҳамкорлигимизнинг юксак сифати ва самарадорлиги Ҳиндистон саноат базасининг инфраструктурасини вужудга келтиришда, айниқса металлургия ва оғир саноатда ҳамда электр ускуналар ишлаб чиқаришда муҳим роль ўйнади. Бхилаи металлургия комбинати, Бокаро металлургия заводи, оғир машинасозлик заводи ва давлат фармацевтика корпорацияси — Ҳиндистон — Совет ҳамкорлигининг абадий ёдгорликларидир. Бизнинг йиллик товар оборотимиз йил сайин ўсмоқда.

Биз, деб таъкидлади Ҳиндистон Бош министри, Ҳиндистон ҳам, Совет Иттифоқи ҳам бирон-бир бошқа мамлакатнинг бизнинг икки томонлама муносабатларимизга таъсир қилишига йўл қўймайдилар, деб тўла ишонч билан айта оламиз. Бизнинг бирон-бир бошқа мамлакат билан муносабатларимиз бизнинг Совет Иттифоқи билан муносабатларимизга зарар етказадиган тарзда ривожлантирилмаслиги хусусида неча марталаб ваъда берганмиз.

М. Десаи Хитой-Вьетнам чегарасидаги воқеалар тўғрисида гапириб, Ҳиндистон халқаро тинчлик учун жиддий хавф келтириб чиқарган ҳаракатларни қаттиқ қоралади, ажнабий қўшинларни дарҳол олиб чиқиб кетишни ва можарони тинч йўл билан бартараф этишни талаб қилди, деди.

Ҳатто шу қадар хатарли вазиятда ҳам президент Л. И. Брежнев давлат арбобига хос донишмандлик кўрсатиб, бутун куч-ғайрат ва эътиборни стратегик қуролларни чеклаш тўғрисида АҚШ билан тезроқ битим тузиш тўғрисидаги музокараларга, умуман кескинликни юмшатиш ҳамда қуролланишга ва қуролли кучларни қисқартиришга сиёсатига қаратганлигидан ўзимнинг қойил бўлганимни шу маврутда изҳор этмай ўта олмаймак, деди Ҳиндистон бош министри. Мен бу ҳақда гапирганимда, СССР билан АҚШ ядро қуроли синовларини ёппасига ва батамом тақиқлаш тўғрисида шартнома, стратегик қуролларни чеклаш тўғрисидаги шартнома ҳамда бевосита бизга тааллуқли бўлган проблема, чунончи, Ҳинд океани мамлакатлари проблемаси хусусида бир битимга келишлари нақадар зарурлигини эслатмай қололмайман.

М. Десаи ўз нутқининг охирида ишонч билдириб бундай деди: энди муносабатларимизда янада кўпроқ ишонч ва ҳамкорликнинг янги босқичи бошланди. Биз узоқ муддатли иқтисодий ҳамкорлик режаларини тузиб чиқдик, бу режалар сизнинг визитингиз вақтида биз имзолайдиган битимларда ўз ифодасини топди. Шундай қилиб, биз кўп қирали дўстликнинг ана шу ришталари янада мустаҳкамроқ ва пухтароқ бўлиб бораверишига умид қилишимиз мумкин.

А. Н. Косыгин жавоб нутқи сўзлаб, ҳиндиларнинг самимийлиги ва ҳайрихоҳлиги учун, уларнинг диққат-эътибори ва ҳамкорликка тайёрлиги, совет халқига нисбатан дўстона ҳис-туйғулари учун, астойдил ташаккур айтди.

Сизларнинг буюк мамлакатингиз билан дўстликка биз алоҳида аҳамият берамиз, деб таъкидлади у. Ҳиндистон билан ўз учрашувларини зўр самимият билан эсга олиб турадиган Леонид Ильич Брежнев айтганидек, «Ҳиндистон республикаси билан мустаҳкам сиёсий ва иқтисодий ҳамкорлик — бизнинг доимий йўлимиздир».

(Давоми 2-бетда).

«ҚИЗИЛ ШАНБАЛИК» ТАРАДДУДИ

«Ташкенткабель» заводининг фрезерчиси Федор Рябов «Қизил шанбалик»ни энг юксак унумли иш кунига айлантиришга аҳд қилди. У ана шу куни смена топшириғини икки баравар ошириб бажариш мажбуриятини олди. Корхона ишчиси Николай Стрельцов, кенг истеъмол моллари цехининг ишчиси Наталья Пак ана шу пешқадамнинг ташаббусини қўллаб-қувватлаб, тежалган материал ҳисобига ишлаган ҳолда смена топшириғини 120—150 процент бажариш мажбуриятини олдилар.

Корхона ишчилари, инженер-техник ходимлари Бутуниттифоқ Коммунистик шанбаликда бир тан-бир жон бўлиб иштирок этишга қарор қилдилар. Шу куни завод ветеранлари — пенсионерлар ҳам станокларни бошқарадилар. Байрам иштироқчилари 21 апрель куни 600 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга қарор бердилар. Бу эса оддий кунларда ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдоридан анча кўпдир.

(ЎзТАГ мухбири).


МАРРА ЭГАЛЛАНДИ

Тошкентдаги Октябрь Революцияси номли тепловозвагон ремонти заводи цехларида ўнинчи беш йиллик давомида ўн йиллик шахсий нормасини бажариш учун социалистик мусобақа тобора кенгаймоқда. Бу ҳаракат ишчи-ноқчилари сафига янги-янги ишчилар қўшилишяпти. Уларнинг кўпчилиги зиммаларига олган мажбуриятларни шараф билан бажармоқдалар.

Машинист Йўлдош Файзиев бу ташаббус издошларига карвонбошилик қилмоқда. Корхонада кўп йиллар давомида ишлаб, катта тажриба орттирган моҳир ишчи меҳнатда кўпчиликка намуна бўлмоқда. Иш вақтидан самарали фойдаланиш, илғорлар тажрибасини ўрганиш туфайли топшириқни муттасил знёдаси билан бажармоқда. Меҳнатсевар ишчининг сменадаги ўртача иш кўрсаткичлари 200 процентни ташкил этмоқда.

Ўзининг унумли ва сифатли меҳнати билан корхона коллективи ҳурмат-эътиборини қозонган Йўлдош Файзиевнинг меҳнат календарида 11 беш йиллик бошланганига ярим йилдан ошиб қолди. Корхонада зиммасидаги вазифани сидқидилдан бажариб, кўпчиликнинг ҳурматига сазовор бўлаётган бундай пешқадам ишчилар кам эмас. Анатолий Рассказов, Геннадий Садинлар ҳам шулар жумласидан. Улар топшириқни доим ортиғи билан бажаришяпти. Шу кунларда 1981 йил ҳисобига маҳсулот бермоқдалар. Пайвандчилардан Тўрақулов ва Тўлагановлар ҳам графикдан ўзиб ишлашяпти. Пешқадам ишчилар изидан бораётган бу ремонтчиларнинг иш кўрсаткичлари 180—190 процентни ташкил этмоқда. Улар шу кунларда келгуси йил ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқаришяпти.

О. ИСРОИЛОВА.



КЎЧАТ ЭКИНГ, БОҒ ҚИЛИНГ!

- «ОҚ ОЛТИН» ЎЛКАСИНИНГ ЯШИЛ ЛИБОСИ
- СОҲИБКОРЛАРНИНГ ЯНГИ РЕЖАЛАРИ
- ШУ КУННИНГ ЗАРБДОР ВАЗИФАСИ
- БОҒДОРЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ — БУТУН ЖАМОАТЧИЛИКНИНГ ЖОНАЖОН ИШИДИР

Республика қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг 1979 йил учун қабул қилган социалистик мажбуриятларида 130 минг тонна мева, 200 минг тонна узум етиштирилиши, 1800 гектар майдонда янги боғлар, 6500 гектар ерда токзорлар барпо этилиши алоҳида таъкидланган, яна бир қатор юксак мажбуриятлар олинган.

Бу социалистик мажбуриятларни тўла ва ошириб бажариш учун ҳамма имкониятларга эгамиз. Боғларимиз, токзорларимиз кенгайтирилди, агротехниканинг кузги-қишки тадбирлари амалга оширилди, ихтисослаштириш ва интенсивлаш, иш жараёнларини механизациялаш кенг жорий этилди. Энг муҳими — ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам юқори ҳосил олишнинг уддасидан чиқадиган ўқимишли, ташкилотчи, ишнинг кўзини биладиган боғбон-соҳибкор кадрларга эгамиз.

Масаланинг яна бир муҳим томони бор. Паст бўйли, серҳосил мевали дарахт кўчатларининг катта майдонлар га ўтказилиши, анор ва қуруқ мевалар тайёрлашга ихтисослаштирилган хўжаликларнинг ташкил этилиши, бодом, ёнғоқ, туршак, майиз, хурмо, уноби ва бошқа хил мевалар етиштиришнинг кўпайтирилиши қувончлидир.

Баҳор бошланди. Кўчат ўтказиш, ток экиш давом этмоқда. Ҳаво юришгач, токлар очилади, дарахтларга шакл берилади. Баҳор фаслининг дастлабки кунларидаёқ ҳал этилиши лозим бўлган икки масала бор. Биринчидан, куз ва қиш фаслларида тупроқ қатламида тўпланган намни тўла сақлаб қолиш, бунинг учун механизмлар воситасида қатор ораларига ишлов бериш бутун чоралар билан кучайтириш керак. Иккинчидан қишлоқ хўжалик зараркунандаларини бутунлай йўқотиш лозим, токи келгусида ҳосилга зарар етказмасин.

Ўтган қиш илиқ келгани, қаттиқ совуқ кам бўлганини таъкидлаб ўтиш ўринлидир. Оқибатда қишлоқ хўжалик зараркунандалари деярли камаймади, аксинча, шароитга мослашиб олди. Уларни қириб ташлаш муҳим вазифадир. Бунинг учун боғлар, токзорлар трактор-механизмлар воситасида ишлатилиши, дориланиши, профилактик тадбирлар ўтказилиши шарт. Айниқса, дарахтларнинг ости, уватлар синчковлик билан ишланиши ва такрор дориланиши зарур. Мутахассислар ҳар туп дарахт, ҳар туп токка кўз-қулоқ бўлиб турмоқлари лозим.

Ўтган йили республикамизда боғдорчилик ва узумчиликка ихтисослаштирилган 22 совхоз ташкил қилинди. Уларга катта ер майдонлари, техника воситалари, сув, ўғит ажратиб берилди. Кўҳна боғлар, токзорларнинг бир қисми уларнинг измига берилди. Айни кезда янги хўжаликларда катта майдонларга кўчатлар ўтказилди. Мавжуд боғлар, токзорларга эътиборни сира сусайтирмаган ҳолда янгиларига эътиборни кучайтириш керак. Чунки янги боғлар, токзорларнинг ўзига яраша ташвиши бўлади. Шунга эришиш керакки, бирор туп кўчат қуриб қолмасин, борди-ю айрим жойлардаги кўчатлар қуриб қолган бўлса дарҳол ўрнини тўлдириш керак. Умуман боғдорчилик, токзорчиликда ниҳолларни қалин экиш, сийрак, ола бўлиб қолишига йўл қўймаслик лозим. Ҳосил ҳар туп мевали дарахт ва токдан олинади!

Республикамизнинг жанубий областларида кўчат ўтқазиш бошлаб юборилди. Бу йил бу муҳим ишни ғоятда уюшқоқлик билан амалга оширишимиз лозим. Р. Р. Шредер номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг кўчатчилик хўжаликларида, унинг жойлардаги филиалларида ҳар қачонгидан кўп навли, районлаштирилган, калта бўй, серҳосил кўчатлар, ток қаламчалари етиштирилди. Республикамиз хўжаликлари, колхозчилар, совхоз ишчилари хонадонларинигина эмас, қардош республикаларнинг хўжаликларини ҳам шундай кўчатлар, ток ниҳоллари билан таъминлаш имкониятига эгамиз. Кўчат ўтқазишда шошма-шошарликка йўл қўйиб бўлмайди. Ерни тўғри танлаш, юмшатиб тобига келтириш, ўғитлаш, намлаш катта аҳамиятга эгадир. Ана шунда ниҳол бехато кўкаради. Айрим хўжаликларда кўчат экилади-ю, парваришига эътибор берилмай қуритиб қўйилади.

Моҳир боғбон-соҳибкорлар эса ташландиқ ерларни ҳам оборотга киритиб, боғ-роғлар барпо этмоқдалар, тоғ бағри зоналари, қўриқ-чўлларда мева-узумлар мўл-кўллиги яратиш учун курашмоқдалар ва яхши натижаларга эришмоқдалар. Улардан ибрат олса арзийди. «Ёмон» ерларда ниҳолларни яхши ўстириб, юқори ҳосил олиш боғбон-соҳибкорларимизнинг санъатига боғлиқдир.

Ўтган йили боғдорчилик-узумчилик учун обҳаво қулай келди. Мевали дарахтларнинг ўсиши, ривожланиши узоққа чўзилди, кўп ҳосил тугди. Натижада, тупроқ қатламидаги ўғитлар миқдори камайди. Эндиги муҳим вазифа ҳамма боғ-роғлар, токзорларни зудлик билан қўшимча озиқлантиришдан иборат. Бу билан ҳам меваларнинг йирик бўлишига эришамиз, ҳам келгуси йил мўл ҳосилга мустаҳкам замин яратамиз. Ҳар гектар ерга бериладиган минерал ўғитларга 8—10 тонна чиритилган органик ўғит аралаштириб солиниши лозим.

Боғлар, токзорларнинг катта қисми тоғ бағри зоналари, тошлоқ, тош-шағал ва қумлоқ тупроқли ерларга жойлашган. Уша майдондаги ўсимликлар гуллаб ғўра туккунга қадар, бу йилги вазиятни ҳисобга олиб, йиллик ўғит нормасининг эллик процентини миқдорида қўшимча ўғит бериш мақсадга мувофиқдир. Боғдорчилик, узумчиликда тупроқнинг унумдорлиги муттасил ошириб борилгандагина ҳосил мўл, эртапишар, йирик, ширали ва узоқ сақланадиган бўлади.

Юқорида ерда нам кўп тўплангани айтилди. Лекин шунга қарамай боғлар, токзорларни агротехника муддатларида суғориб туриш шарт. Қатор оралари механизмлар воситасида 35—40 сантиметр чуқурликда юмшатилиб сув тарапганда, аввало, ҳашоратларнинг кўпи қирилиб кетади, қолаверса, минерал ва органик ўғитлар қоришмаси илдизга тез етиб бориб, ҳосил чўғига ижобий таъсир кўрсатади. Баҳор фаслида мевали дарахтлар, токларни сувга қондириш, айниқса, яхши натижа беради. Ундан ташқари, ҳар қандай шароитда ҳам шўр сифатли ювилиши зарур.

Мен гектарларнинг тўла, кўчатлар сонининг бут бўлиши зарурлигига яна эътиборни қаратмоқчиман. Чунки бу муҳим иш баҳорнинг дастлабки кунларида, кўчат ўтқазиш оммавий тус олган кезларда бажарилади. Кўчатлар сонининг бир хил қалинликда бўлишини тўла таъминлайлик! Яна бир муҳим масала шуки, юз сўм сарфлаб ҳашаротларни қириб ташласак, минг сўмлик қўшимча маҳсулот оламиз. Буни доимо ёдда тутиб иш кўрайлик!

Хўжаликларда янги боғ-роғлар, токзорлар яратишни бутун чоралар билан кучайтириб юборайлик! Бирор киши бу муҳим ишдан четда турмаслиги, яхши ният билан камида бир туплан кўчат ўтқазиши керак. Хўжаликларнинг боғбон-соҳибкорлари кўчат ўтқазишни кучайтириш билан токларни очиш, мевали дарахтлар парваришини авж олдиришлари лозим. Боғдорчиликни ривожлантириш бутун жамоатчиликнинг жонажон ишидир.

Маҳмуд МИРЗАЕВ,
Р. Р. Шредер номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

(«Совет Ўзбекистони» газетасидан).

ШАВКАТЛИ МЕҲНАТ УЧУН МУКОФОТ

Бўка райони меҳнаткашлари ўнинчи беш йилликнинг учинчи йилини катта ғалабалар билан якунладилар. Об-ҳаво қийинчиликларини мардонавор енган пахтакорлар барча майдонларда мўл ҳосил етиштириб, давлатга қариб 70 минг тонна «оқ олтин» топширишди. Район пахтачилиги тарихида бундай юқори марра биринчи марта эгалланди.

Бўка райони ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини оширш, 1978 йил планини муваффақиятли бажариш учун ўтказилган Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида ғолиб деб топилди ва КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан тақдирланди.

Кеча Бўка район ижроия комитетининг мажлислар залига ўнинчи беш йилликнинг учинчи йили социалистик мажбуриятларининг бажарилишига ўзларининг самарали меҳнатлари билан муносиб ҳисса қўшган хўжалик раҳбарлари, партия ташкилотларининг секретарлари, илғор бригада бошлиқлари, механизаторлар тўпландилар. Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мусахонов ўнинчи беш йилликнинг учинчи йилида коллективимиз аъзолари об-ҳаво қийинчиликларига қарамай пахтадан мўл ҳосил етиштиришдаги хизматларини юксак мукофотни топширди.

Ўртоқ М. М. Мусахонов район меҳнаткашларини юксак мукофот билан самимий табриклаб, уларга ўнинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш йўлида янги муваффақиятлар тилади.

Минбарда «Бўка» совхозининг бригада бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Мария Ковалева:

— Биз бу юксак мукофотни қабул қилар эканмиз, — дейди у, — янада яхшироқ ва унумлироқ меҳнат қилишга ваъда берамиз. Ўнинчи беш йилликнинг учинчи йилида коллективимиз аъзолари об-ҳаво қийинчиликларига қарамай пахтадан мўл ҳосил етиштирдилар. Етиштирилган ҳосилнинг асосий қисми техника ёрдамида йиғиштириб олинди. Бу йил эришилган ютуқларни янада мустаҳкамлаш учун кучғайратимизни аямаймиз.

Сўз «Октябрь 40 йиллиги» колхозининг раиси Ю. Тўлагановга берилади:

— Бизнинг хўжалигимиз, — дейди у, — йил сайин планли равишда пахта ва бошқа экинлар ҳосилдорлигини ошириб келаётир. Ўтган йили ҳар гектар ердан 45 центнердан ошириб «оқ олтин» ҳосили олдик. Айрим бригадаларнинг муваффақиятлари бизнинг шароитда бундан ҳам юқорироқ ҳосил олиш мумкинлигини исботламоқда. Айни кунларда дала меҳнаткашларининг куч-ғайратлари ҳосилдорликни янада оширишга қаратилган.

Ҳамза номли колхознинг илғор сут соғувчиси Ҳалима Тўхтасинова хўжалик чорвадорларининг ўнинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун амалга ошираётган ибратли ишлари ҳақида гапириб берди.

Йиғилишда сўзга чиққан район партия комитетининг биринчи секретари Т. Исломов, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг илғорлари ўнинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини, чорва моллари маҳсулдорлигини ошириш учун янада ғайрат-шижоат билан меҳнат қиладилар, деб йиғилганларни ишонтирди.

ҲИНДИСТОН ДИЁРИДАГИ УЧРАШУВЛАР

(Боши 1-бетда).

Бизнинг дўстлигимиз мамлакатларимизнинг раҳбарлари, халқларимиз бир-бирига ишонч билан қараётганлигига асосланади, бу ишонч эса биз ҳамиша бир-биримизга нисбатан ҳалол эканлигимиздан, бир-биримизга ҳеч қачон панд бермаганлигимиздан келиб чиқади.

Биз, Совет Иттифоқидагилар Совет-Ҳиндистон муносабатларининг стабиллиги ва муттасил ривожланиб бораётганлигидан ғоят мамнунмиз. Биз 1971 йилда тинчлик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида шартнома имзолаётганимизда муносабатларнинг айни шундай ривожини назарда тутган эдик. Бу шартнома мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг ривожида сифат жиҳатидан янги босқич бошланганидан дарак берди. Совет-Ҳиндистон ҳамкорлигининг миқёслари муттасил ўсмоқда, халқларимиз ўзаро алоқасининг доираси кенгаймоқда.

Бироқ, деди сўзини давом эттириб Совет ҳукуматининг бошлиғи, ишнинг моҳияти иқтисодий ва бошқа моддий манфаатларнинг мос келишидан иборатгина эмас. Давлатларнинг сиёсати тинчлик ва халқаро кескинликни юмшатиш учун, агрессия ва зулмга қарши курашдаги умумий мақсадларга асосланган тақдирдагина улар ўртасида чинакам дўстона муносабатлар вужудга келишини ҳамкорлигимиз тажрибаси кўрсатиб турибди.

Биз, Совет Иттифоқидагилар Ҳиндистонни халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш, кескинликни юмшатиш, қуролланиш пойгасини тўхтатиш ва қуролсизланиш, халқларнинг эркин ва мустақил ривожланиш ҳуқуқини таъминлаш каби ҳозирги замоннинг туб проблемалари хусусида бир-бирига яқин ва кўп жиҳатдан ўхшаш позицияларда туриб ҳаракат қилмоқдалар.

Шу мақсадлар рўёбга чиқмоғи учун барча тинчликсевар давлатларнинг куч-ғайратларини бирлаштириш зарур. Халқаро вазиятни соғломлаштириш, уни кескинлаштирадиган сабабларни тугатиш аввало шунга боғлиқ бўлади. Ҳозир Хитойнинг Вьетнамга қарши агрессиясини тезроқ тўхтатишга, Хитой қўшинларини шу мамлакат территориясидан батамом ва ҳеч сўзсиз олиб чиқиб кетишга эришиш айниқса муҳимдир. Халқлар сепарат тил бириктиришларни эмас, балки Яқин Шарқ проблемасини араб давлатларига қарши Исроил қилган агрессия оқибатларини тугатиш асосида ҳар томонлама ҳал этишни кутмоқдалар. Жанубий Африкада ғайри-инсоний апартеид режими бундан буён ҳам ўтказила берилишини, ирқчилик ва янги мустамлакачилик сиёсатини оқлаб бўлмайди ва оқлаш мумкин ҳам эмас.

Инсоннинг ақл заковати ва меҳнати тинч бунёдкорлик мақсадларига, халқлар олдида турган иқтисодий ва ижтимоий тараққиётнинг улуғвор вазифаларини ҳал этишга, инсонга муносиб ҳаёт қуришга тўла-тўкис хизмат қилиши лозим.

Совет ҳукуматининг бошлиғи пировардида бундай деди: Совет-Ҳиндистон ҳамкорлиги ана шу олижаноб вазифага имкони борича яхшироқ мос бўлиб тушиши учун, унинг натижалари тобора салмоқли бўлавериши учун ва авлодларимиз шу натижаларни миннатдорчилик билан эслай олишлари учун қадаҳ кўтаришни таклиф этишга ижозат бергайсизлар.

М. Десаи ва А. Н. Косигин кутқилари эътибор билан тингланди. Зиёфат дўстона вазиятда ўтди.

* * *

СССР Министрлар Советининг Раиси бугун Ҳиндистон республикасининг президенти Н. С. Редди ҳузурида бўлди. Совет-Ҳиндистон муносабатларини янада ривожлантириш масалалари ва иккала томоннли қизиқтирувчи зарур ҳалқаро проблемалари хусусида самимий ва дўстона вазиятда фикрлашиб олинди.

Шу куниёқ Совет ҳукуматининг бошлиғи Бош министр ўринбосари, Ҳиндистон молия министри Ч. Сингх, Бош министр ўринбосари, Ҳиндистон мудофаа министри Ж. Рам билан учрашиб, суҳбатлашди. Суҳбатлар дўстона вазиятда ўтди.

А. Н. Косигин ҳинд халқининг улуғ фарзанди Маҳатма Ганди жасади кремация қилинган жойни зиёрат қилди ва гулчамбар қўйди. Ҳиндларнинг одатига кўра А. Н. Косигин ёдгорлик бошига кўчат ўтқазди.

Совет халқининг улуғ дўсти, ҳинд давлатининг бунёдкори Ж. Неру ва Ҳиндистон атоқли давлат арбоби Л. Б. Шастри жасадлари кремация қилинган жойга ҳам гулчамбар қўйилди.

* * *

Тушдан кейин тарихий лаъл қалъадаги майдонда граждан қабули — оммавий митинг бўлиб ўтди. Митингда тўпланган кишилар А. Н. Косигин билан М. Десаини самимий кутиб олдилар. Иккала мамлакатнинг гимнлари тантанали янгради.

Деҳли ҳокими Р. К. Гупта пойтахт граждanлари номидан СССР Министрлар Совети Раисини табриклаб гапирди.

Сиз Ҳиндистонга биринчи бор келаётганингиз йўқ, деди у, аммо, бу галги визитингиз хитойлар Вьетнамга ҳужум қилган алоҳида бир даврда ўтмоқда. Бу ҳужум бутун дунёдаги тинчликка катта хавф туғдирди. СССР каби биз ҳам агрессор мамлакат катта ёки кичиклигидан қатъий назар агрессия самараларидан баҳраманд бўлмаслиги керак, деб ҳисоблаймиз.

Шундан кейин М. Десаи сўзга чиқди. У 1977 йил октябрида Москвага қилган визитини эсга олди ва ўша пайтда ўзига кўрсатилган иззат-икромни уқтириб бундай деди: Иккала мамлакатимиз ўртасидаги ҳамкорлик халқаро тинчликни сақлашга қаратилган куч-ғайратлар билан чекланмайди. Бизнинг муносабатларимиз қадимий тарихга эга. Узоқ ишонч ва ҳурматга асосланган дўстлигимиз кейинги икки йил мобайнида кўпроқ мустаҳкамланганлигидан хурсандман. Бизнинг экономика соҳасидаги муносабатларимиз анча чуқурлашди ва янада кенг миқёс касб этди.

М. Десаи мамлакатни ривожлантириш ишида Ҳиндистон билан ҳамкорлик қилаётган Совет Иттифоқининг раҳбарларига ташаккур айтди. Ҳиндистоннинг бошқа районларига қиладиган визитингиз вақтида Ҳиндистон-Совет ҳамкорлигини нақадар равнақ топаётганлигини ўз кўзингиз билан кўрасиз, деди у. Деҳли аҳолиси ва Ҳиндистон халқи номидан Москва аҳолисига ва Совет Иттифоқининг бутун халқига энг эзгу тилакларимни ва бузилмас дўстлигимиз изҳорини сиз орқали йўллайман.

Бугунги митинг, деди ўз нутқида А. Н. Косигин совет халқи билан ҳинд халқи ўртасидаги чуқур дўстликни ифодалайди. Шу боисдан ҳам мен мана шу граждан қабулининг барча қатнашчиларига ва сизлар орқали бутун кўп миллионли Ҳиндистон халқига Совет Иттифоқи халқидан ва шахсан КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневдан қайноқ дўстлик қутловларини, тинчлик, омон-эсонлик ва тараққиёт тилаб билдирилган истакларни алоҳида туйғу билан топшираман.

Совет — Ҳиндистон дўстлиги мустаҳкамлигининг боиси шуки, бу дўстлик Ҳиндистон ва Совет Иттифоқи халқларини туб манфаатларига жавоб беради, уларнинг эзгу орзу ва муддаоларига мос бўлиб тушади, шу сабабли ҳам у халқларнинг том маънодаги чинакам муштарак иши бўлиб қолди. Совет — Ҳиндистон дўстлиги мустаҳкамлигининг яна бир боиси шуки, мамлакатларимиз ўтказиб келаётган тинч-тотув яшаш сиёсати бизнинг замонамиз урушга эмас, балки тинчликка олиб борувчи, адоват ва ўзаро ишончсизликка эмас, балки дўстона амалий ҳамкорликка бошловчи бирдан-бир тўғри сиёсатдир.

Кейинги йилларда тинчликсевар кучларнинг кураши туфайли кескинликни юмшатишни кенгайтириш ва чуқурлаштиришга эришилганлиги ўз тақдирини уруш сиёсати билан, қуролланиш пойгаси билан боғлаган кимсаларнинг ашаддий қаршилигига дуч келмоқда, деб уқтирди совет ҳукуматининг бошлиғи. Социалистик Вьетнам Хитой томонидан қилинган бевосита агрессия қурбони бўлди. Тинч социалистик мамлакатга қилинган ҳужум учун бугун масъулият оғирлиги Хитой раҳбарлари зиммасига тушади. Улар чиқарган ҳарбий авантюра — улар шовинистик милитаристик йўлининг амалдаги кўринишидир.

Вьетнам халқи ўзининг одилона курашида ёлғиз эмас. Америка интервенцияси йилларида Совет Иттифоқи Вьетнамга ёрдам берган эди, ҳозир ҳам совет халқи, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси агрессия қурбони бўлган қардош социалистик мамлакатга нисбатан ўзининг интернационал бурчини тўла-тўкис бажармоқда. Вьетнам халқига қарши уруш — ҳалқаро жиноятдир, шу жиноятни қилган кимсалар масъулиятдан қочиб қутула олмайдилар.

Вьетнамда тинчлик ўрнатилиши лозим. Бунинг учун агрессорнинг қўшинлари тарихан таркиб топган Вьетнам — Хитой чегараси нариёгига батамом, ҳеч сўзсиз олиб чиқиб кетилиши зарур.

Самарали тинчлик сиёсати — ҳамиша актив сиёсатдир, деди сўнг СССР Министрлар Советининг Раиси. Можароларни тугатиш, кескинликни юмшатишни мустаҳкамлаш, қуролсизланиш соҳасида реал қадамлар қўйилишига эришиш — ана шуларнинг ҳаммаси амалий тадбирлар билан, тинчликсевар мамлакатларнинг куч-ғайратларини бирлаштириш билан боғланган. Халқаро ишларда Ҳиндистоннинг қатнашиш тажрибаси буни тўлатўкис тасдиқлайди. Айни шу боисдан ҳам Ҳиндистонга хос қўшилмаслик сиёсати «ижобий бетарафлик» сиёсати номини олди.

Чин кўнгилдан, СССРнинг барча халқлари номидан, Леонид Ильич Брежнев номидан бутун ҳинд халқига яна бир бор бахт-саодат ва омон-эсонлик, тинчлик, кескинликни юмшатиш ва халқаро ҳамкорлик учун курашда янгидан-янги муваффақиятлар тилашга ижозат бергайсизлар.

* * *

Лаъл қалъадаги граждан қабули Ҳиндистон ва Совет Иттифоқи халқларини бирлаштириб турган дўстлик пухта ва бузилмас дўстлик эканлигини яна бир карра намойиш қилди.

* * *

ДЕҲЛИ, 12 март. (ТАСС). Дўстона расмий визит билан Ҳиндистонда меҳмон бўлиб турган КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин Ҳиндистон Коммунистик партияси раҳбарлик органининг вакиллари — Ҳиндистон Компартияси Бош секретари Ч. Ражешвара Рао ва миллий кенгаш секретари М. Н. Говиндан Наир билан учрашди.

Учрашув вақтида иккала партиянинг КПСС XXV съезди ва Ҳиндистон Компартияси XI съезди ўртага қўйган асосий вазифаларни амалга ошириш соҳасидаги фаолияти тўғрисида ўзаро ахборот берилди. Совет-Ҳиндистон ҳамкорлигини янада ривожлантириш, шунингдек Хитой агрессиясини даф қилиш муносабати билан Вьетнам Социалистик республикасига ҳар томонлама мадад беришда илғор, демократик кучларни жипслаштириш масалаларига алоҳида эътибор берилди.

Суҳбатда КПСС Марказий Комитетининг аъзолари Б. А. Ашимов, В. Ф. Мальцев, С. А. Скачков, КПСС Марказий Ревизия комиссиясининг аъзоси Б. Т. Баканов, СССРнинг Ҳиндистондаги элчиси Ю. М. Воронцов қатнашдилар.

Суҳбат дўстона вазиятда ўтди.



Пойтахтдаги Оҳунбобоев номли шаҳар маданият уйи ҳузурида ташкил этилган бичиш-тикиш тўгарагида ҳар йили юзлаб қизлар касб ўрганишмоқда. Суратда: ўқитувчи Матлуба Ғафурова тўгарак қатнашчилари билан машғулот ўтказяпти.

Э. Муҳамедов фотоси.

СОЦИАЛИЗМ БУНЁДКОРЛАРИ СЪЕЗДИ

ПАРТИЯНИНГ XVIII съезди Москвада 10—21 март кунлари бўлиб ўтди.

Шу даврга келиб Советлар мамлакатида халқ хўжалигини ривожлантириш иккинчи беш йиллик плани бажарилиши билан СССРда социалистик жамият асосан қуриб бўлинган эди. Энди партия олий органи кейинги давр учун ички ва ташқи сиёсий йўлни ишлаб чиқиши, СССР экономикаси ва маданиятини янада ривожлантириш йўлларини белгилаб бериши лозим эди:

Съездда ВКП(б) Марказий Комитетининг ҳисобот доклади, Марказий Ревизия комиссиясининг, шунингдек Коминтерн Ижроия Комитетидаги ВКП(б) делегациясининг ҳисоботлари тингланди. Шу масалалар бўйича И. В. Сталин, М. Ф. Владимирский, Д. З. Мануильский ўртоқлар доклад қилдилар. Съезд СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг учинчи беш йиллик планини (1938—1942 йиллар) муҳокама этди. ВКП(б) Уставига ўзгартишлар киритди, партия Программасини ўзгартиш бўйича Комиссия ҳамда партия марказий органларини сайлади.

Докладлар ҳамда делегатларнинг нутқларида партия XVII съездидан буён ўтган беш йил мобайнида мамлакатда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари батафсил ёритиб берилди. Жумладан, мамлакатда саноат ва қишлоқ хўжалиги илғор техника асосида реконструкция қилинди, эксплуататор синфларнинг қолдиқлари узил-кесил тугатилди, ишчилар, деҳқонлар ва зиёлиларнинг ягона меҳнат фронтига жипслашуви таъминланди. Социалистик қурилишдаги бу улкан муваффақиятлар 1936 йил декабрида қабул қилинган СССР Конституциясида мустаҳкамланди.

Чет эл коммунистик партияларининг табрикларида ҳам ўтган йиллар Совет Иттифоқи учун тез суръатлар билан ўсиш-ривожланиш, иқтисодий ва маданий жиҳатдан юксалиш йиллари бўлганлиги алоҳида таъкидланди, айни чоғда капитал дунёсида ялпи кризис янада чуқурлашганлиги қайд этилди. Экономика ва сиёсат соҳасидаги жиддий кризислар, империализм зиддиятларининг янада ўткирлашуви капиталистик системанинг негизларини яна ҳам кучли ларзага солди.

Съездда шу нарса таъкидландики, империалистик давлатлар ана шу тангликдан қутилишга интилиб, янги жаҳон урушини бошлаб юборишга ҳаракат қилмоқдалар, унинг тиғини социализм ғалаба қилган мамлакатга қаратиш пайида бўлмоқдалар. Ана шундай шароитда урушнинг олдини олиш учун қурашни кучайтириш, уруш олови ёқувчиларни фош этиш, империалистик зулм ҳавфи остида қолган халқларнинг курашини бутун чоралар билан қўллаб-қувватлаш, тинчликсевар мамлакатлар билан алоқаларни мустаҳкамлаш, СССРни ҳарбий мажароларга тортиш учун қилинаётган ҳар қандай игвогарликларга йўл қўймаслик муҳимлиги уқтирилди.

XVIII съездда социалистик давлат ривожланишининг истиқболи тўғрисидаги масаланинг қўйилиши катта принципиал аҳамият касб этди.

В. И. Ленин ғояларидан келиб чиқиб, партия Марказий Комитети ҳисобот доклади-да капиталистик қуршов мавжудлиги шароитида бир мамлакатда, яъни СССРда коммунизм қуриш имконияти борлиги тўғрисидаги қоида илгари сурилди. Социалистик давлатнинг аста-секин ўлиб бориши тўғрисидаги ҳато қарашлар рад этилди.

ВКП(б) XVIII СЪЕЗДИНИНГ 40 ЙИЛЛИГИГА

Партиянинг олий органи мамлакат халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1938—1942 йилларга мўлжалланган учинчи беш йиллик планини тасдиқлади. Унда СССР саноат потенциалини янада ўстириш, колхоз тузумини мустаҳкамлаш, халқ моддий фаровонлиги ва маданиятини оширишни кўзда тутилди. Иқтисодий тараққиётнинг асосий звеноси, аввалги беш йилликлардаги сингари, даставвал оғир саноатни устун даражада янада ривожлантириш эканлиги таъкид қилинди. Шунингдек, мамлакатнинг шарқий районларида қудратли саноат негизини барпо этишга алоҳида эътибор берилди. Бу мазкур районлардаги катта-катта табиий бойликларни ўзлаштириш учун ҳам, мамлакат ишлаб чиқариш кучларини янада тўғрироқ жойлаштириш учун ҳам, Совет Иттифоқи мудофаа қобилиятини янада мустаҳкамлаш учун ҳам даркор эди.

Шарқий районларда экономиканинг энг муҳим соҳаларини тез суръатлар билан ривожлантиришга қаратилган бу йўл партиянинг узоқ истиқболли кўзлаб, социализм қурилиши тугалланаётган шарт-шароитни ҳар томонлама ҳисобга олиб, улкан режалар тузганлигидан дарак берардики, бу, жумладан Ўрта Осиё республикалари учун катта аҳамият касб этди, республикамизда ҳам қатор янги саноат соҳалари вужудга келди.

ЎзССРда учинчи беш йиллик уч йили мобайнида 134 саноат корхонаси ишга туширилди. Чирчиқ электрохимия комбинати, Тошкент тўқимачилик комбинатининг иккинчи навбати, қурилиш материаллари корхоналари, пахта тозалаш заводлари шулар жумласидан. Шу даврда дастлабки пахта териш машиналари чиқарилди, Ангрен конидан кўмир қазиб олина бошланди.

Съездда партия қурилиши масалалари ҳам катта ўрин эгаллади. ВКП(б) Уставига ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги докладда кўрсатиб ўтилганидек, партиявий ишнинг ташкилий форма ва методларини янгича шароит ва партиявий вазифалар билан мувофиқлаштириш даркор. Съезд қабул этган янги партия Устави партия ривожланишининг энг муҳим қонуниятларини ҳисобга олиб, биринчи навбатда унинг совет жамиятидаги раҳбарлик роли тинмай ошиб бораётганлигини қайд қилди.

Партия жанговарлиги кўп жиҳатдан унинг состави билан белгиланади. Ишчилар синфи унда ҳамиша етакчи ўрин эгалаб келди ва эгалламоқда. Айни вақтда 1939 йилга келиб ВКП(б)га тўрт хил категория бўйича (яъни, партияга кирувчининг социал аҳволига қараб) қабул қилишдан иборат бўлган аввалги тартиб совет жамиятининг янги социал структурасига мувофиқ келмай қолди, деб кўрсатилди. Янги Уставда партияга аъзо бўлувчилар учун қабулнинг ягона шартлари ва бир хил кандидатлик стажи (бир йил) белгиланди.

Съездда ВКП(б) янги Программасини тузиш бўйича Комиссия тузилди. Мазкур Программа партия VIII съездида унинг иккинчи Программаси қабул қилинганидан сўнг ўтган даврда партия ва халқ ҳаётида рўй берган жуда катта ўзгаришларни ўзида тўла акс эттириши лозим эди.

ВКП(б) XVIII съезди партия ва халқни СССРда социализм қурилишини тугаллаб, аста-секин коммунизмга ўтиш учун зарур шарт-шароитларни яратиш сари йўналтирди. Съезд қарорлари янги жаҳон уруши ҳавфи кучайиб бораётган бир даврда мамлакат мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашда катта аҳамиятга эга бўлди.

И. СУЛТОНОВ.

СУҲБАТЛАР ТЕМАТИКАСИ

4 март куни СССР Олий Советига бўлиб ўтган сайлов партия ва халқнинг бузилмас бирлигини яна бир карра ёркин намойиш этди, Совет кишилари партиянинг ички ва ташқи сиёсатини тўла-тўкис маъқуллаётганлигини кўрсатди.

Сайловга тайёргарлик ишлари областимиз меҳнаткашларининг ҳам юксак сиёсий ва меҳнат активлиги вазиятида олиб борилди. Тошкент шаҳар ва область саноат корхоналарининг коллективлари саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ва реализация қилиш бўйича икки йиллик планни муддатидан илгари бажардилар. Деҳқонлар ва чорвадорлар ҳам зардоб меҳнат вахтасида туриб меҳнат қилдилар.

Шу кунларда меҳнаткашлар коллективларида, турар-жойларда КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг Москвадаги Бауман сайлов округи сайловчилари билан ўтказилган учрашувда сўзлаган нутқи зўр қизиқиш билан ўрганилмоқда. Бу нутқда партия XXV съезди қўйган вазифалар қандай бажарилаётганлиги, ҳозирги халқаро аҳвол чуқур таҳлил этилган (Марказий, республика, область газеталарининг 27 февраль сонлари).

Партия ташкилотлари, оғзаки сиёсий агитация кадрларининг кўп минг кишилик отряди СССР Олий Советига сайловга тайёргарлик даврида катта ва кўп қирали оммавий-сиёсий ишларни олиб бордилар. Бу ишни бундан буён ҳам лозим даражада давом эттириб, уни беш йиллик тўртинчи йилининг вазифаларини ҳал этишга қаратиш лозим.

Агитация кадрлари учун навбатдаги инструктив семинар ўтказиб, унда қуйидаги материаллардан фойдаланиш тавсия этилади:

Ҳозирги шароитда оммавий сиёсий иш («Политическое самообразование» 2-сон, 62—69, «Ўзбекистон агитатори» 4-сон, 25—27 бетлар).

Агитатор этикаси («Агитатор» 4-сон, 56—57 бетлар). Март ойида суҳбатлар ва сиёсий ахборотлар ўтказиш учун қуйидаги мақолалар ва материаллардан фойдаланинг:

МАМЛАКАТ ИЧКИ СИЁСИЙ ҲАЁТИ МАСАЛАЛАРИ

КПССнинг раҳбарлик ва ташкилотчилик роли. (КПСС Марказий Комитети журнали «Партийная жизнь» 3-сон, 9—15 бетлар).

Бунёдкорлик йўлидан. («Ўзбекистон коммунисти» 3-сон, 3—8 бетлар).

Бутун халқ фаровонлиги учун. («Агитатор», 2-сон, 24—26 бетлар).

Агитпунктларга — 60 йил («Агитатор» 3-сон, 27—29 бетлар).

ОҒЗАКИ СИЁСИЙ АГИТАЦИЯ КАДРЛАРИГА ЁРДАМ

Улуғ Ватан уруши қатнашчиларига имтиёзлар («Агитатор» 3-сон, 60—62 бетлар).

МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТИ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XII Пленумининг материаллари (республика ва область газеталарининг 27 февраль сонлари).

Буюртма — ишлаб чиқариш қонуни. («Правда»нинг 22 февралдаги бош мақоласи, республика газеталарининг 23 февраль сони).

Ҳозирги босқичда НОТ («Коммунист» 2-сон, 37—47 бетлар).

Сенинг иш ўрининг («Агитатор», 4-сон, 9—11 бетлар).

Қишлоқ хўжалик самарадорлигини ошириш йўллари («Ўзбекистон коммунисти» 2-сон, 20—28 бетлар).

Тошкент область партия комитетининг пленуми (республика ва область газеталарининг 20 февраль сонлари).

Ихтисослаш самараси («Агитатор» 3-сон, 15—17 бетлар).

Фактлар ва рақамлар («Агитатор» 4-сон, 22—23 бетлар).

ФАН ВА МАДАНИЯТ

Фан-техника тараққиёти ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш («Ўзбекистон коммунисти» 2-сон, 52—56 бетлар).

Космосни ўзлаштиришнинг сиёсий-ҳуқуқий жиҳатлари («Международная жизнь», 2-сон, 87—94 бетлар).

Фан — чорвачиликка («Партия турмуши» 2-сон, 46—49 бетлар).

Сибирь дарёлари сувининг бир қисмини Ўрта Осиёга келтириш масаласига доир. («Ўзбекистон коммунисти» 2-сон, 12—19 бетлар).

Турмуш даражаси ва маданиятининг ўсиши («Агитатор» 4-сон, 20—26, «Ўзбекистон агитатори» 3-сон, 26—27 бетлар).

Буржуа демократияси: ваъдалар ва воқелик («Международная жизнь» 2-сон, 69—78, «Агитатор» 3-сон, 32—34, 4-сон, 30—32 бетлар).

Буюк ва қудратли («Агитатор» 4-сон, 2—5 бетлар).

ХАЛҚАРО АҲВОЛ

Реал социализм ва унинг халқаро аҳамияти («Коммунист», 2-сон, 17—36, «Международная жизнь» 2-сон, 3—13 бетлар).

Қуролсизланиш — жаҳон сиёсатининг туб масаласи («Международная жизнь» 2-сон,95—106 бетлар).

Социалистик мамлакатлар мустаҳкам ҳамдўстлиги («Партия турмуши» 2-сон, 33—37 бетлар).

Пролетар интернационализми — бизнинг байроғимиз. «Агитатор» 4-сон, 36—38 бетлар).

СССР билан Ғарбнинг савдо-сотиқ ҳамкорлиги («Международная жизнь», 32—42 бетлар).

Афғонистон: янги ҳаёт дебочаси («Международная жизнь» 2-сон, 43—62 бетлар).

Пекин тузумининг авантюристик сиёсати («Партийная жизнь» 3-сон, 70—77, «Агитатор» 4-сон, 42—46, «Международная жизнь» 2-сон, 53—61 бетлар).

Буюк Хитой шовинизми амалда («Правда» газетасининг 26-февраль ва 5 март сонлари).

Африка жанубидаги аҳвол ва Ғарб дипломатияси «Международная жизнь» 2-сон,14—23, «Мировая экономика и международные отношения» 2-сон, 36—47 бетлар).

Америкада ким ҳукмрон? («Ўзбекистон агитатори», 3-сон, 28—29 бетлар).

Эфирни эҳтарловчи «овозлар» («Международная жизнь» 2-сон, 115—117 бетлар).

ЭСЛАТМА: Суҳбатга ва сиёсий ахборотга тайёрланишда вақтли матбуот материаллари, маҳаллий мисоллар, фактлар ва рақамлардан фойдаланинг.



Тошкентдаги устки трикотаж фабрикасида юзлаб комсомол-ёшлар меҳнат қилишади. Сиз суратда кўриб турган Фотима Мансурова ана шу пешқадамларнинг бири.

Т. Ҳасанов фотоси.

ИШ СИФАТИ — БОШ МЕЗОН

САМАРАДОРЛИК ва сифат беш йиллигининг тўртинчи йили зарбдор суръат билан давом этмоқда. Коллективимизнинг барча аъзолари бу йилда ўтган йилдагидан ҳам юксакроқ кўрсаткичларга эришиш ниятида қўлни қўлга бериб меҳнат қилишмоқда.

Ўтган йилда эса бирмунча салмоқли ютуқларни қўлга киритдик. Бу ташкилотларимизнинг коллективимизга берган баҳоси ва тақдирномаларида ўз ифодасини топди. Жумладан, Ўзбекистон ССР Маиший хизмат министрлигига қарашли турдош корхоналар ўртасидаги социалистик мусобақада голиб чиқдик. Шунингдек, Тошкент шаҳар автомобилларга техника хизмати кўрсатиш ишлаб чиқариш бирлашмаси корхоналари ўртасидаги меҳнат беллашувида биринчи ўринни эгаллаб, бирлашманинг кўчма Қизил байроғини олишга муяссар бўлдик.

Зардоб йил плани муддатидан икки ярим ой илгари бажарилди ва йил охиригача яна бир машина ремонтини тугатганларидан сўнг, автомобиль ҳужжатларига ўз белгиларини қўйишади. Бу эса ҳар бир бригадирнинг ўзи бажарган ишига берилган ишонч кафолатидир.

Беш йилликнинг тўртинчи йилини катта иштиёқ ва юксак меҳнат кўтаринкилиги билан бошлаган коллективимиз айни кунларда СССР Олий Советига сайловлар муносабати билан юзага келган юксак сиёсий меҳнат кўтаринкилигида социалистик мусобақани кун ярмидан ошиб борилади. Бундай кетма-кет иш жараёнини ташкил этиш туфайли ремонт ишлари муддатини қисқартиш ва иш сифатининг яхшиланишига эришяпмиз.

Шунингдек, бригадирларимиздан 10 киши шахсий белги билан ишлаш ҳуқуқини қўлга киритган. Улар ҳар сайин авж олдирмоқда. Ўзаро меҳнат беллашувида 1980 йил ҳисобига меҳнат қилаётган илғор автослесарлардан III даражали «Шуҳрат» ордени кавалери Рашид Қурбонов, Собир Нортожиев, Александр Абранов, Қобил Нишонов, Геннадий Эленов, Баҳодир Юнусов ва Жалил Раҳимовлар юксак натижаларга эришмоқдалар.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Улуғ Ватан уруши қатнашчиларининг моддий-маиший шароитларини янада яхшилаш тадбирлари тўғрисида» қабул қилган қарори коллективимиз меҳнат аҳли учун дастуриламал бўлиб, янги меҳнат зафарларига чорламоқда. Биз ана шу қарордан келиб чиқиб, муҳим тадбирларни белгилаб олдик. Келгусида Улуғ Ватан уруши қатнашчилари автомобилларига кўрсатиладиган техника хизматининг сифатини янада яхшилаш учун қатор тадбирларни амалга оширяпмиз. Жумладан, бу йилдан Улуғ Ватан урушининг биринчи ва иккинчи группа инвалидларига, агар зарур бўлса, уйига бориб машинасига техника хизмати кўрсатиш ташкил қилинмоқда. Бу кишилар кўпинча носоз машинасини судратиб келишга қийналадилар. Шунда хизматнинг мана шу тури уларга кўл келади. Яқинда Шота Руставели кўчасида истиқомат қиладиган 1-группа инвалиди Тепловнинг уйига слесарларимиз бориб, машинасининг муфтасини алмаштириб беришди, Самарқанд дарвоза кўчасида яшайдиган 2-группа инвалиди Собир Ғофуровнинг машинаси двигателини янгилаб қайтдилар...

1979 йилда 270 минг сўмлик техника хизмати кўрсатиш мажбуриятини олдик. Бу, ўтган йилдагидан 70 минг сўмлик кўп демакдир. Ўтган икки ойда 46 минг сўмлик иш бажарилиб, план 113 процент адо этилди.

СЎЗ — МУСОБАҚА ҒОЛИБЛАРИГА

Х. СОДИҚОВ,
«Узавтотехобслуживание» Тошкент ишлаб чиқариш бирлашмаси 7-станциясининг директори.

Калинин районидаги «Партия XX съезди» колхозининг теплица хўжалигида кўплаб сифатли карам ва помидор кўчатлари етиштирилмоқда. Бундан ташқари теплицада лимон етиштириш ишлари ҳам яхши йўлга қўйилаётир. Суратларда: хўжалик партия ташкилотининг секретари Ғайрат Султонов билан теплица ишчиси Анвар Мирсоатовлар карам кўчатини кўздан кечирмоқдалар; (ўнгда) лимон дарахтлари парваришн билан шуғулланаётган Тўлқин Исмонловни кўриб турибсиз.

Б. Ғофуров фотолари.



ПАХТАКОРЛАР ҒАЙРАТИ

ЎРТА ЧИРЧИҚ районидаги Ленин номли колхознинг Жонар опа Ёқубова бошлиқ бригадасининг деҳқонлари ўтган йилни юксак кўрсаткичлар билан якунлашди. 118 гектар ернинг ҳар гектаридан 35 центнердан хирмон кўтарилди. Зиммага олинган социалистик мажбурият муваффақиятли адо этилди.

Бу йил «оқ олтин» ижодкорлари янги зафарлар қучиш учун ҳаракат қилишяпти. Деҳқонлар ҳар гектар ердан 45 центнердан хирмон кўтариш иштиёқи билан меҳнат қилишмоқда. Айниқса, шу кунларда далага ўғит ташиб чиқариш, компост тайёрлаш ишлари қизғин тус олган. Бригададаги барча кичик ариқлар чопилиб, тартибга келтириб қўйилди. Мавжуд техника ва экиш агрегатлари сифатли ремонтдан чиқарилган.

Г. ИСОҚОВА.

ХЎЖАЛИКНИ БИР МАРОМДА БОШҚАРИШ УСТАЛАРИ

БУТУНИТТИФОҚ СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚАСИ ҒОЛИБЛАРИ

У ёки бу хўжаликнинг бугунги эришган даражасини, мавқеини, қудратини турлича баҳолаш мумкин. Масалан, ҳосилдорлик юқори, даромад мўмай, демак бу хўжаликни машъал деб кўрсатаверса бўлади. Аксинча, бир қатор рақам ва факторларни чуқур таҳлил қилиш, бир-бирига чоғиштириш ва яхлит хулоса чиқариб, сўнгра объектив баҳо бериш ҳам мумкин.

Хўжалик фаолиятини аниқ акс эттирувчи асосий факторлардан бири табиий шароитлардан қатъий назар хўжалик ишларини ҳар йили бир маромда бошқара билиш, маҳсулдорликда мукимликни сақлай олишдир. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини стабиллаштира олган бундай бақувват колхоз ва совхозлар областимизда оз эмас. Бўка районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхози ана шундай намунали хўжаликлардан.

Бу колхознинг бошқа илғор хўжаликлардан фарқ қиладиган ютуғи шундаки, қишлоқ хўжалигининг ҳамма тармоғи бир текис ривожланган. Пахта ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришда областда кафолатли ўринларни эгаллаб келаётган колхозимиз ўтган йилнинг якунларига кўра ҳар гектар ердан 32,5 центнердан пахта ҳосили олди. Ўртача ҳосилдорлик 1978 йилда 34,5 центнерга етди. Ҳар 100 гектар ерга 1 миллион 200 минг сўмдан ортиқ маҳсулот олинди. Ҳар 100 сўм асосий капиталга 30 сўмдан ортиқ маҳсулот тўғри келди. Ҳар 100 сўм ишлаб чиқариш фондига 40 сўмдан ортиқ маҳсулот тўғри келди. Ҳар 100 сўм ишлаб чиқариш харажатларига 50



Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетига қарашли манзарали дарахт кўчатлари етиштириш совхозининг теплицаларида турли-туман гуллар ўстирилмоқда. Суратда: совхоз ишчиси Сайёра Абдуллаева гулларни сараламоқда.

В. Сироткин фотоси.

ЯНГИ ҚЎШИҚЛАР

МУҲАББАТИМ—ҚАНОТИМ

Муҳаббатим — қанотим,
Муҳаббатим — ҳаётим.
Энди сени куйлайман,
Бир умрга нажотим.
Муҳаббатим — дунёсан,
Пурвиқорсан, дарёсан.
Навоийдан дурдона—
Гули, Ширин, Лайлосан.
Муҳаббатим муҳайё,
Ору-номус ва ҳаё.
Ардоқлайман авайлаб,
Ҳумоюндир у гўё.
Муҳаббатим тоғ мисол,
Коинотда боғ мисол.
Борлиғимни ёритар,
Чаманда чароғ мисол.
Муҳаббатим — маҳоват,
Меҳр, сеҳр, саховат.
Вафо бўлсин шиорим,
Ҳавас қилсин ошиқ зот!..

АГАР РАҲМИНГ КЕЛСА

—Раҳмим келур сизга...
Яхши кўраман.
Юрагимда борини,
Қўрқмай айтаман.
Бир умр сизга мен,
Гуллар тераман.
Ушбу йўлдан энди,
Қандай қайтаман...
...Дединг сен, эшитдим,
Гапларинг жоним.
Ҳар бир сўзинг учун,
Бир жаҳон берай.
Ишондим қалбингга,
Ўзинг иймоним,
Не бўлса бошимда,
Борини кўрай.
Тингладим сўзларинг,
Юрак шод бўлди.
Илтимос, қайтмагин,
Юрган йўлингдан.
Кўп йиллар мен кутдим,
Дил қушод бўлди,
Олға бошла, ҳурим,
Тутиб қўлимдан.
Агар раҳминг келса,
Юзларим сила.
Агар раҳминг келса,
Кўзларимга боқ!
Агар раҳминг келса,
Чин бардош тила,
Агар раҳминг келса,
Юрагимни ёқ!..

Раҳим УМАРИЙ.

КЎЗИМ ҚОЛДИ ЙЎЛИНГДА

Кўзим қолди йўлингда,
Бир борсану бир йўқсан.
Кеча-кундуз ёнаман,
Вужудимда зўр чўғсан.
Билиб қўйгин эй жонон,
Йўлларингда кўзларим.
Сени топиб, тополмай,
Ҳар гўшада бўзладим.
Термуламан йўлингга,
Йўлинг йўлимга туташ.
Пойламасам бўлмайди,
Куйдирар мени оташ.
Сен солланиб юрган йўл,
Юрагимга қўшилар.
Ўзи билан бирга у,
Олиб келар қўшиқлар.
Қишда равон йўлингда,
Қор зарраси сочилар.
Аммо баҳор кезидай,
Қизил лола очилар.
Сен келасан узоқда,
Офтоб кулар кузатиб.
Олам салом беради,
Турфа гуллар узатиб.
Юрганингда юрагим,
Маёқ каби порлайди,
Йўл кўрсатиб, адашсанг,
Уз ёнига чорлайди.
Кўзим қолди йўлингда,
Бу йўл таниш, нотаниш.
Менинг орзу-умидим,
Шавқу-ишқингга қониш.
Ер юзида йўллар кўп,
Менинг йўлим ягона.
Йўл бошида тураман,
Умр бўйи мардона.
Бу йўл — муҳаббат йўли,
Сен айладинг муҳайё.
Бўлсин мунаввар абад,
Ўзинг сочавер зиё...

ШОДИЁНА

РЕПОРТАЖ

Кўкка бўй чўзган бу нақшинкор бино ҳали бунақа катта шодиёнанинг гувоҳи бўлмаганди. Муҳташам саройнинг мармар пилла поялари кўтарилаётган олимаю министрнинг, чорвадору ёзувчининг, ишчию зиёлининг, партия, совет ходимларининг, олтин қўлли пахтакорларнинг чеҳрасида табассум ёлқинланади. Уларнинг ҳаммаси аёллар, қизлар.

Кооператорлар уйига кираверишда биз СССР халқ артистикаси Ҳалима Носирович учратдик. Унинг кўзларида меҳр товланиб турибди. Инсоний самимийлик, аёлларга хос жозиба ва латофат, санъаткорона теранлик опадан кексаликни чекинтирган. У бирпасда таниш-билишлар оғушида қолди. Ҳамма уни баҳор ва шодлик байрами, халқаро хотин-қизлар куни 8 март билан табриклайди.

— Ҳар гал байрамимиз муносабати билан ташкил этиладиган «огонёк»ларга келар эканман, ўтмишни эслайман,— дейди опа.— Жаҳолат қурбони бўлган неча-неча Турсунойлар, Нурхонлар кўз ўнгимдан ўтади. Ўтадию беихтиёр менга, миллионлаб хотин-қизларга бахт ато этган замонамдан ўргилай, партиямдан, ҳукуматимдан ўргилай,— дейман.

Опанинг кўзларида севинч ёшлари балқиди. Қучоғи турфа гулларга тўлган санъаткорни залга бошлашди.

Зал. Кенг, ёруғ, шинам безатилган бу маскан бугун чиндан ҳам тўй либосида. Гўё баҳор нафис гулларидан гулдасталар асагану, рашкидан шу ерга яширгандек. Областимизнинг район ва шаҳарларидан келган хотин-қизлар файзли дастурхонлар атрофидан жой оладилар. Меҳнат, баҳор, қувонч, эрк ва бахт мадҳини тараннум этиб шўх куй янграйди.

Область ижроия комитети раисининг ўринбосари, область хотин-қизлар Советининг раиси Гулнора Ботировна Йўлдошева мулозамат ва самимий табассум билан меҳмонларни жой-жойига олмоқда.

У Узбекистон халқ шоири Туроб Тўла, ёзувчилар Иброҳим Раҳим, Дмитрий Полининларни илиқ қарши олгач, Узбекистон телевидениесининг хушовоз дикторлари Галина Мельникова, Раҳматулла Мирзаевларни ёнига чақирди.

Дикторларнинг шайлигига ишонч ҳосил қилгач, «Аёл — она, Аёл — меҳнаткаш» деб аталувчи «Огонёк»ни очиқ деб эълон қилди ва йиғилганларни қизғин табриклади.

Микрофон область партия комитетининг секретари Аъло Маҳсумович Хўжаев қўлида. Унинг оналар, аёллар ҳақидаги юрак сўзлари залдагиларни ҳаяжонга солди.

— Министрми, олимами, инженер ёки тўқувчими аёл, авало аёл бўлиб қолиши керак,— дейди у. Зероки биз ҳаммадан ҳам кўпроқ аёлларни ҳурмат қиламиз. Чунки улар — она, улар — вафодор ёр, улар — тенги йўқ мураббиялардир.

Қарсаклардан зал ларзага келади. Узсовпроф раиси Н. М. Маҳмудова, Узбекистон дўстлик жамиятининг раиси Иқболхон Тўхтахўжаева, Янгийўл район партия комитетининг иккинчи секретари Л. Алиқулова, тарих фанлари доктори Раҳима Аминова, Тошкент районидаги 15-мактаб ўқитувчиси Саодат Аҳмаджонова, Пискент районидаги 1-«Пискент» совхозининг бригадири Д. Нурматова, врач Екатерина Степановна Батковалар йиғилганларни эрк ва озодлик байрами билан самимий қутладилар.

Гал санъаткорларга келганда залдагиларнинг чеҳраси янада ёришиб кетди. Улар Узбекистон халқ артисти Михаил Давидов, хушовоз хонандалар Ортиқ Отажонов, Ғуломжон Ёқубов, Абдуллажон Бозоров, Мансур Тошматовлар куйлаган қўшиқларни мириқиб тингладилар.

Сўз ўрта Чирчиқ районидаги Терешкова номли колхоз раиси Умриниса Ҳасановага берилади.

Ун тўрт ёшиданоқ ҳаётини дала иши билан боғлаган, қалби пахта ишқи билан ёнган биринчи трактурни бошқарган бу аёлнинг дил сўзларини ҳамма зўр мамнуният билан қарши олди. Ҳозир Умри Ҳасанова хўжаликка сардор. У Узбекистон ССР Олий Совети депутати сифатида ҳам меҳнаткашлар фаровонлигини ошириш йўлида кўп ишлар қилди.

Опани элга танитган ҳислати камтарлиги, инсонпарварлиги бўлди.

Музика «Огонёк» иштирокчиларини рақсга чорлайди. Баҳор вальси. Бу оҳанграбо куйнинг ихлосмандлари кўп экан. Давра тобора кенгайиб борарди. Вальсдан сўнг «Муножот» янгради. Ҳозиргина қушдек енгил учиб гир-гир айланаётган рус, ўзбек, татар, тожик, қозоқ, қирғиз аёллари энди мунислик билан бу халқчил куйнинг рақсини ижро этардилар. Бу манзара советлар замонасининг миллионлар бахтини мужассамлигини, уларнинг жипслигини кўрсатувчи тимсол сифатида қалбларда ажойиб жўшқинлик ва ифтихор ҳиссини уйғотарди.

Шу куни хотин-қизларни шоирлар, ёзувчилар ҳам табриклашди. Уларга ўзларининг китобларини эсдалик учун топширишди. Давра иштирокчилари Чирчиқ ва Янгийўл шаҳарларидан келган кичкинтойларнинг қутловларидан ҳам мамнун бўлишди.

Кундуз соат 2 да бошланган «Огонёк» давраси оқшом харир пардасини ташлаганда ҳам давом этарди. Кейин унинг ҳар бир иштирокчиси бу аланга тафтини ўз хонадонига, дўстларига, коллективига улашиш учун йўлга тушди.

Сандвали ҲАСАНОВ,
Зулхумор ЖЎРАЕВА.

Спорт

КУБОК ЎЙИНЛАРИ

Кеча мамлакатимизнинг саккиз шаҳрида СССР кубоги учун ўтказилган зонал мусобақаларининг ғолиблари аниқланди.

«Помир» бундан аввалги турда «Шахтёр» командасини 1:0 ҳисобида енгиб, мусобақа тугашига бир кун қолганда чорак финалга йўлланмани қўлга киритган эди. Зонал мусобақалар низомига кўра зона ғолиблари тенг очко тўплашса, кўп ғалабага эришган томон юқорига кўтарилади. «Помир» тўртта учрашувда устун келганлиги учун чорак финалга чиқди.

«Пахтакор» «Днепр» билан учрашувни натижасиз дуранг қилиб, тўрт ўйинда 6 очко тўплади. Кеча пешқадам «Помир» ва иккинчи ўринда бораётган «Пахтакор» ўзаро учрашди.

МАВСУМ ОХИРЛАМОҚДА

Агар футболчилар кубок ўйинлари билан янги мавсумни бошлашган ва чемпионатнинг календарь ўйинларига жиддий ҳозирлик кўришаётган бўлса, хоккейчилар мавсум ўйинларини охирлатмоқдалар. «Бинокор» ҳам чемпионатнинг сўнгги ўйинларини ўтказяпти. «Ижсталь» командаси билан бўлган учрашувлар тошкентликлар учун ўз майдонидаги энг охирги ўйинлар бўлди. Биринчи учрашувда 5:2 ҳисобида ғалабага эришган майдон эгалари такрор ўйинда 4:6 ҳисобида ютказдилар.

69 очко тўплаган «Бинокор» ҳамон турнир жадвалида тўртинчи ўринда бормоқда.

МАҚСАД САРИ ДАДИЛ ҚАДАМ

Ўзбекистон давлат физкультура институти қўл тўпи командаси олий лигага чиқиш мақсадида дадил қадам ташламоқда. Командамиз ўз майдонида ўтказилган иккинчи давранинг 1-тур ўйинларини муваффақиятли якунлади. Гандболчиларимиз беш учрашувнинг тўрттасида ғалабага эришиб фақат иккинчи ўринда бораётган «Урожай» командасига ютқазишди.

ФИНИШДАГИ МАҒЛУБИЯТ


Тошкентлик волейболчилар Ростов-Донда чемпионатнинг сўнгги якуловчи давра ўйинлари олдидан иккита йўлланманинг биттасига даъвогар эдилар. Грозний командаси биринчи лигада 19 очко билан пешқадамлик қилаётган бўлса, Тошкентнинг «Динамо», Свердловскнинг «Уралэнергомаш» ва Таллиннинг «Калев» командалари ҳисобида 18 тадан очко бор эди. Кутилганидек биринчи, иккинчи ўрин учун асосан ана шу тўрт команда ўртасида кураш борди. Тошкентликлар «Уралэнергомаш» командасига 1:3, Ленинграднинг «Динамо» коллективига 0:3 ва «Калев»га 2:3 ҳисобида ютқазиб қўйиб, қимматли очколарни бой бердилар. Жами 23 очко тўплаган командамиз умумий тўртинчи ўринни олди. Иккита йўлланмани эса Грознийнинг «Автомобилист» ва Свердловскнинг «Уралэнергомаш» командалари қўлга киритди.

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.

Реклама ва эълонлар

ГРАЖДАНЛАР!

ПОЕЗДЛАР ҲАРАКАТИ ЗОНАСИДА ҲУШЁР ВА ЭҲТИЁТ БЎЛИНГИЗ. ЭСИНГИЗДА БЎЛСИН, ПОЕЗДЛАР СОАТИГА 100 ВА УНДАН ОРТИҚ КИЛОМЕТР ТЕЗЛИК БИЛАН ЮРАДИ. ШУНИНГ УЧУН ҲАМ УЛАРНИ ДАРҲОЛ ТЎХТАТИШ МУМКИН ЭМАС.



Яқинлашиб келаётган поезд олдидан йўлни кесиб ўтиш жуда хавфли.

Бақтдан бир дақиқа ютаман деб ҳаётни бой бериш мумкин. Ўтиш кўприклари ва тоннеллари бўлмаган станцияларда темир йўлда фақат пиёдалар учун махсус кўрсатилган срдан ўтинг.

Йўл юриш учун вагонлар тагидан ўтиш, шунингдек поездларнинг зиналарида, томларида, юк поездларида кетиш тақиқланади. Перронда турган вақтингизда радио ахборотларига диққат билан қулоқ солинг ва уларни қатъиян бажаринг.

Болаларга темир йўлларда ёки унга яқин полотноларда юришга ёки ўйнашга рухсат этманг. Бу қоидаларга сўзсиз риоя этинг.

Йўл қоидаларини катталарга, айниқса болаларга доим тушунтириб боринг.

ЎЗИНГИЗНИ ВА БОШҚАЛАРНИ БАХТСИЗ ҲОДИСАЛАРДАН ЭҲТИЁТ ҚИЛИНГ!

ЎРТА ОСИЁ ТЕМИР ЙЎЛИНИНГ ТОШКЕНТ БЎЛИМИ.

Узбекистон ССР ҳунар-техника таълими давлат комитетининг

5-ТОШКЕНТ ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1979—80 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юртига 10-синфни тамомлаган, Тошкент шаҳрида яшовчи йигит-қизлар қабул қилиниб, улар эркаклар ва болалар костюмларини тикувчи, аёллар ва болалар пальтосини тикувчи, аёллар ва болаларнинг енгил кўйлакларини тикувчи, чарм-галантерея буюмларини бичувчи, чарм-галантерея буюмларини тикувчи касбларга ўргатилади

Ўқиш муддати — 1 йил.
Стипендия — ойига 30 сўм.

Ишлаб чиқариш практикаси даврида ўқувчилар иш ҳақининг 50 процентини оладилар.

Билим юртидаги ўқиш даври меҳнат стажига киради.

Қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилиш шарт: паспорт, ўрта маълумоти ҳақидаги аттестат, яшаш жойидан ва ота-онасининг иш жойидан справкалар, 286-формадаги медицина справкаси, директор номига ариза, 4 та фотосурат (3х4 см.), мактабдан характеристика.

Билим юртида «Ўз касбининг устаси», «Энг яхши биринчи маҳсулот» конкурслари ўтказилади. «Ёш ишчи куни»да ўқувчилар ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари билан учрашадилар.

Билим юртида техника ижоди, бадиий ҳаваскорлик ва спорт секциялари мавжуд.

Билим юртини аъло баҳолар билан битирганлар педагогика советининг қарори билан Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг кундузги бўлимига ўқишга киришга тавсия этиладилар.

Билим юрти адреси: Тошкент-100, Б. Хмельницкий кўчаси, 55-уй. Телефонлар: 53-36-45, 53-79-09.

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — «Вақт». 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Мультфильмлар. 10.35 — Киносаёҳатчилар клуби. 11.35 — Концерт. 12.45 — ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Кинопрограмма. 16.05 — Звездочёт. 16.50 — Мунозара — клуб. 17.50 — Халқ ижоди. 18.35 — Қўриқ ва бўз ерлар ўзлаштирила бошланганлигининг 25 йиллигига. 19.00 — Расмларда қўёш акси бор. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — «Ялла» ансамбли куйлайди. 19.50 — «Нейтрон бомбаси: ҳамон ҳавф мавжуд» кўрсатувни сиёсий шарҳловчи А. Потапов олиб боради. 20.20 — Оила альбоми. Бадиий фильм. 21.30 — «Вақт». 22.05 — Санъат устолари 23.10 — Ҳужжатли фильмлар. 23.50 — Янгиликлар.

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

18.00 — Болалар учун фильм-балет. 18.15 — Жонажон ўлка. 18.45 — Ахборот. 19.00 — Миллионлар ленинча университети. 19.20 — Ҳужжатли фильм. 19.35 — «Болеро». «Ойимқиз ва безори». Бир саҳнали балетлар. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — «Вақт». 22.05 — Алмашлаб экиш — мўл ҳосил гарови. 22.25 — Шаҳар таронаси. Бадиий фильм.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.00 — Болалар учун фильм. 20.30 — Концерт. 21.00 — Янгиликлар.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 14/III да **Келинлар қўзголони**, 15/III да **Парвона**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 14/III да **Қизил дуррали нозик ниҳолим**, 15/III да **Олифта**.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 14/III да **Кичик фожиалар**.

ТЕРМИНОЛОГИК ЛУҒАТЛАР

Луғат фонди кенг маънодаги тушунча. Маданиятга доир сўз ва терминларнинг мукаммал изоҳли луғати ҳам ўзига хос муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга. Баҳолангки, республикамизда бу хил луғат ҳали яратилганн йўқ.

Бундай хайрли ижодий ишни амалга оширишда Тошкент Давлат маданият институти олимларининг хизматлари катта бўлади. Ўқитиш-ўқитиш ишларини енгиллаштириш, дарсликлар ва бошқа адабиётларда учрайдиган маданият соҳасига оид терминларнинг хилма-хиллигига барҳам бериш мақсадида олий ўқув юртида луғат фондини яратишга киришилди.

Институтнинг ўзбек тилшунослиги кафедраси бу борада қатор тадбирларни ишлаб чиқди. Актив сўз ва терминларнинг изоҳли луғатини тузиш юзасидан кўзда тутилган режалар ҳам диққатга сазовордир. Маданиятга доир уч мингга яқин терминларни ўз ичига оладиган мазкур луғатни босмага тайёрлаш учун қизғин илмий иш бошлаб юборилди. Шунингдек, унга сўзлик тузилиб, алоҳида картотека ҳозирланмоқда.

Кутубхоначилик ва библиографияга оид терминларнинг қисқача изоҳли луғатига яқин яна бир қўлланма яратилаётир. «Кутубхона-шунослик терминларининг русча-ўзбекча тематик луғати» деб номланган бу иш рус тили кафедраси ҳамкорлигида юзага келади.

Бу борада қилинган ишлар кейинчалик бошқа тўрминологик луғатлар яратиш учун бой манба бўлиб хизмат қилади.

Кафедра олимлари хореография, кутубхонашунослик билимларига бағишланган термнилар луғатларини тузишга ҳам киришадилар.

А. АБДУАЛИЕВ.

ТАБИАТ ОЛАМИДА

ШОХСИЗ... НОСОРОГ

«НОСОРОГ» сўзи «бурни шох» «шохбурун» деган маънони билдиради. Ҳозирда Африканинг бу ёввойи ҳайвонлари қонунга хилоф равишда ов қиладиган кишиларнинг ёвузлиги туфайли қирилиб битмоқда. «Овчилар» бу ҳайвонни асосан қиммат турадиган шоҳи учун ўлдирадилар.

Шу боисдан кеннялик бир олим носорогларнинг шоҳини атайин арралаб олиш керак, шунда овчилар ов қилмай қўяди, деб таклиф киритди. Унинг фикрича, шу тариқа носорогларни сақлаб қолиш ва ҳатто урчитиб кўпайтириш мумкин, арралаб олинган шоҳларни сотишни эса давлат ўзи қўлга олиши даркор.

САҲРО ОСТИДА КЎЛ

НИЛЬ дарёси ғарбида жойлашган саҳро райони тубида каттакон кўл борлиги аниқланди. Кўлдаги сув қайноқ бўлиб, битмас-туганмас обиҳаёт манбандир. У Қоҳирадан ғарброкдаги Файюм районидан бошланиб, Альаламейнадан ғарброқдаги Катар пасттекислигигача бўлган майдонни эгаллайди. Кўлнинг чуқурлиги 600 метрдан 1200 метргача боради.

Мисрнинг саҳро қисмида ер ости қайноқ сувлари борлиги 30-йиллардаёқ таҳмин қилинган эди, ҳозир тасдиқланди. Олимлар фикрича, бу улкан иссиқ сув манбаи Нил дарёсининг суви минг йилликлар давомида ер остига сингиб, тўпланиб бориши оқибатида юзага келган.

УЛКАН КЕНГУРУ

АВСТРАЛИЯ олимлари тош қонида номаълум сут эмизувчи баҳайбат бир ҳайвоннинг қолдиқларини топишди. Кейинчалик маълум бўлишича, у ҳозирги Австралия кенгурусининг узоқ ўтмишдошн экан. Унинг вазни икки тоннага яқин бўлиб, бўйи эса жирафа бўйи билан баравар бўлиб чиқди. Шундай баҳайбатлигига қарамай у ҳозирги кенгурулар сингари чаққон сакраб-сакраб юрганлиги ҳам аниқланди.

НОДИР ҚУШ

ЯПОН олимларидан бир гуруҳи ғоят камёб қизил оёқли ибис қушини сақлаб қолишга уриниб кўришди. Қушнинг учта тухуми Садо оролидан Токиога келтирилиб, инкубаторга қўйилди. Шу тариқа қанотли жониворларнинг бу гўзал намунасига ҳаёт бағишлаш умиди туғилди.

Кейинги йилларда қизил-оёқли ибис деярли тўла йўқолиб битди. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бюроси маълумотига кўра, Японияда бу қушнинг атиги тўққиз нафари яшаяпти.

НА ГЎШТ, НА БАЛИҚ

ОДДИЙ нонда оқсил модаси жуда кам, умуман йўқ даражада. Хўш, нонга тўйимли оқсил, айтайлик, балиқ оқсили қўшиб тайёрлаш мумкин эмасмикан?

Гдиня (Польша) шаҳрида мутахассислар худди шундай нон тайёрлашди. Улар балиққа хос таъм ва ҳидга эга бўлмаган балиқ оқсили ҳосил қилишди. Шундай оқсил хамирга қўшиб ёпилган булка нонининг таъми аввалгича қолаверди, аммо тўйимлилиги анча ортди.

Бизнинг АХБОРОТ

ВЕТЕРАНЛАР МАМНУН

Оржоникидзе район социал-таъминот бўлими ва унинг штатсиз инспекторлари Улуғ Ватан уруши қатнашчилари хонадонларида бўлиб ветеранларнинг турмуш шароити билан яқиндан танишиб чиқдилар. Шундан сўнг уларнинг тавсияси билан кенг кўламда ветеранлар уй-жойларини ремонт қилиш ишлари бошланиб кетди.

Биринчи навбатда «Маданият» колхозида истиқомат қилаётган Ж. Нуржонов, «Октябрь» колхозида яшаётган М. Раҳимов, «Правда» колхозидан С. Ғофуров каби Улуғ Ватан уруши қатнашчиларининг уйларига уста тушди. Усталар қисқа муддат ичида ремонт талаб хоналарни қўлдан чиқариб, эгаларига топширдилар.

Улуғ Ватан уруши қатнашчилари ҳамма имтиёзларга эгадирлар. Корхоналар биринчи ва иккинчи группа инвалидларига оталик ёрдами кўрсатмоқдалар. Бундай ғамхўрликдан ветеранлар мамнун бўлмоқдалар.

✦

ЗИЛОЛ СУВ ИЎЛИ


Шаҳримиз белига кумуш камардек боғланган Анҳор, Салар, Калкауз каналлари йил бўйи бог-роғларга обиҳаёт улашади. Кейинги йилларда бу каналлар бўйини ободонлаштириш, қирғоқларни бетонлаштириш ишлари кенг кўламда олиб борилаётир. Айниқса, Салар каналининг қиёфаси ўзгариб кетди. Каналнинг ичи ва қирғоқлари тозаланиб, бетонлаштирилди. Сув бўйида кўркам ҳиёбонлар яратилди. Ўтган йилнинг ўзида каналнинг Вокзал майдони, Карл Маркс кўчаси атрофларида салкам 4 километрлик қирғоқ бўйи ободонлаштирилди. Бу йил каналларни бетонлаштириш давом эттирилмоқда.

Калкауз каналини кенгайтириш ва реконструкция қилиш ишлари ҳам қизғин олиб бориляпти. Канал суви Октябрь, Собир Раҳимов районлари территориясидаги поёнсиз бог-роғларга етиб бормоқда. Каналнн тозалаш ва бетонлаш ишлари сув оқими миқдорини яна ҳам кўпайтиради.

Анҳор канали қирғоғида эса насос станциялари қурилмоқда. Марказ-13 ва Марказ-14 микрорайонларини сув билан таъминловчи насос станцняси бу йил сўнгиги мавсуми кунига ишга туширилади.

Пойтахтимизнинг Беруний кўчасида жойлашган «Юность» кафеси ошпазлари тайёрлаган тотли таомлар ҳўрандаларга манзур бўлмоқда. Раҳматулла Йўлдошев бошчилик қилаётган 4-ошхоналар бирлашмасига қарашли бу кафе коллективи плантопшириқларини муntазам ошириб бажармоқда. Суратларда: бош ошпаз Хожиакбар Эшонхўжаев (чапдан иккинчи) ошпазлар билан иш устида, кафенинг олд томондан кўриниши.

Г. Саматова фотолари.





БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, ГСП, Тошкент, ЛЕНИН кўчаси, 41

Редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь 334808, 325353; секретариат — 325750 БЎЛИМЛАР: оммавий ишлар ва хатлар — 334048; партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645; саноат, қишлоқ хўжалиги — қурилиш ва транспорт — 325749; 325647; маданият — 325558; адабиёт ва санъат — 325767; совет қурилиши — 325553; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733; рассом — 325645; фотомухбир — 325894.

Р. 00207. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64633. Е—2351.